2010-yil 4-dekabr № 143 (2868) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сархисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги кучли ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.*

**Ислом КАРИМОВ**

## Оқсаройда қабул

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 декабр куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Ҳиллари Клинтонни қабул қилди.*

Бугун Ўзбекистон ва АҚШ сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишларда ўзаро ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги босқичини ривожлантиришга хизмат қиладиган кенг кўламли масалалар бўйича самарали мулоқот борасида салмоқли тажрибага эга.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари кўплаб соҳаларда ҳамкорлик ва ўзаро англашув руҳида изчил ривожланиб бораётганига юксак баҳо берди.

— Биз Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида қарор топган муносабатларни юксак қадрлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб, мазмунан бойиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Бугунги учрашув ўзаро муносабатлар, икки томонни ҳам қизиқтирадиган минтақавий муаммолар ва масалалар бўйича фикр алмашиш учун яхши имконият бўлади, деб ўйлайман,— деди Ислом Каримов.

Давлат котиби самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, АҚШ маъмурияти икки томонлама муносабатларда ўзаро ҳурмат тамойилларига содиқ эканини таъкидлади.

— Президент Жаноби Олийлари! Самимий сўзларингиз ва томонларни қизиқтирган муҳим масалаларни муҳокама қилиш борасида яратилган имконият учун Сизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Президент Барак Обама ҳам ўзаро муносабатларимизнинг энг муҳим жиҳатларини муҳокама қилиш масаласига алоҳида эътибор билан қарайди. Расмий делегацияларимиз вакиллари кенг кўламли масалаларни кўриб чиқиш имконига эга бўлгани қувонарлидир, — деди Ҳиллари Клинтон.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, жумладан, халқаро терроризмга қарши курашиш, наркотрафикни бартараф этиш, давлат чегараларини қўриқлаш масалаларида ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Томонлар турли дастурлар доирасида мутахассислар учун ўқув тренинглари ташкил этиш орқали мазкур йўналишда мунтазам равишда тажриба алмашмоқда.

Ўзбекистон гуманитар ва ноҳарбий юкларни ташишда амалий ёрдам кўрсатиш, электр энергияси, озиқ-овқат, қурилиш материаллари билан таъминлаш, транспорт коммуникацияларни барпо этиш орқали Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тикланишда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, 2010 йилда Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳажми олти барobar ошди. Ўзбекистонлик мутахассислар стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлини барпо этмоқда. Бу саъй-ҳаракатларни барчаси Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ечиб бўлмайди, деган фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги позицияси қатъий ва ўзгармасдир.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида кўплаб йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## Ҳужжат имзоланди

*2 декабр куни Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасида Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди.*

Мазкур ҳужжат икки мамлакатнинг давлат идоралари, илмий-тадқиқот марказлари, олий ўқув юртлари ва хусусий компаниялари ўртасида фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутади. Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад – биргаликда икки мамлакатнинг илмий-техникавий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, Ўзбекистон ва АҚШ илмий-техникавий ҳамжамиятлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, соҳада икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорлик қилишни йўлга қўйишдан иборат. Ҳужжатда икки мамлакат ўртасида ахборот, тажриба ва технологиялар алмашув, қўшма семинарлар, илмий конференциялар ва учрашувлар ташкил этиш, олим, эксперт ва бошқа техник мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу илмий-техник ҳамкорлик энергетика, ахборот коммуникациялари, биотехнология, соғлиқни сақлаш, нанотехнология, қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳаларни ўз ичига олган.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов ва АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтон имзолади.

**(ЎзА)**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

***3 декабр куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.***

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги 2010 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлганлиги қайд этилди. Унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгартиришлар жараёни чуқур таҳлил қилинди, Ўзбекистоннинг демократик ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги асосий ютуқлари ҳақида ҳар томонлама фикр юритилди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ демократик давлат қуришнинг, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузаси жаҳон жамоатчилигига ижобий таъсир кўрсатди ва ҳозир ҳам оммавий ахборот воситаларида таниқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг олим ва экспертлари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қоида ва хулосалари асосий стратегик мақсадга эришишга – иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган ва бутун дунёда ҳурмат-эътибор қозонган, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, балки амалда олий қадрият ҳисобланувчи кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган. Концепция ички ислоҳотлар ва умумжаҳон демократик жараёнларининг боришини теран фикрлаш натижаси бўлди. У мамлакатнинг сиёсий тизимини модернизация қилишда дастурий ҳужжат, Ўзбекистонни ислоҳ қилиш ва демократлаштиришда янги босқич бўлди.

Сенаторлар ўз чиқишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Концепциянинг қоидалари ва хулосаларини бутунлай ва тўла-тўкис маъқуллаб, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидан, ҳар бир сенатордан ва барча даражалардаги депутатлардан юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини ҳамда парламент назоратининг таъсирчанлигини оширишни, ўз ишларида умумдавлат ва минтақалар манфаатлари уйғун қўшиб олиб борилишини таъминлашни талаб қилади. Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссияларининг, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг энг муҳим вазифаси Концепциянинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчилик, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси эътиборига етказишдан иборат.



Сенаторлар масалани ҳар томонлама муҳокама қилганларидан кейин давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ахборот соҳасини ривожлантириш ҳамда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштиришнинг Концепцияда белгилаб берилган асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасининг асосий қоидалари ва хулосаларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини маъқулладилар. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришдилар. Сенаторлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни, Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлигини ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсишига эришишга, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлигини қайд этдилар.

Муҳокама асносида сенаторлар дунёнинг аксарият мамлакатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида иқтисодиётнинг ўсиши анча пасайиб кетган, ишлаб чиқаришда турғунлик жараёнлари юз берган, давлатнинг ташқи қарзи кўпайиши давом этаётган бир вақтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури амалга оширилаётганлиги сабабли ишлаб чиқариш даражаси сақлаб қолинишидан ташқари иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланганлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети профицит билан ижро этилиши таъминланаётганлигини таъкидладилар.

Мажлисда қайд этилганидек, мамлакатимизнинг 2011 йилга мўлжалланган солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушаётган солиқ юкини янада камайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга, фуқароларнинг даромадларини ва уларнинг харид қобилиятини оширишга, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга, шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлашга қаратилади. Хусусан, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ ставкаси солиққа тортишнинг биринчи ва ўрта шкаласи бўйича бир фоиз бандига пасайтирилади. Шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаларини 7 фоиздан 6 фоизгача пасайтириш назарда тутилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу чора 2011 йилда 50 миллиард сўмдан кўпроқ маблағни хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолдириш имконини беради, уларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширишни жадаллаштириш учун шароит яратади.

**(Давоми 2-бетда)**

**Таҳлил**

# Изланиш, интилиш ва натижа

***Иқтисодиёт аниқ натижани хуш кўради. Ўзгаришларни чуқур ҳис қилиш, янгилик сари интилиш бу борада муҳим аҳамиятга эга. Босиб ўтаётган тараққиёт йўлимизда бунга шоҳид бўлиб турибмиз. Юксалиш манзаралари Самарқанд вилоятида ҳам яққол кўзга ташланяпти. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Сино» тамғали совутгич ва музлатгичлар юртимизда ягона. Қисқа ривожланиш даврини босиб ўтган корхонада кейинги вақтда 12 млн. АҚШ доллари қийматидаги техник жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.***

Ишлаб чиқариши дадил ривожланаётган Самарқанд туманидаги «Гулобод мебел» корхонаси бундан олти йил илгари хусусий ҳунармандчилик субъекти сифатида ташкил этилганди. Даставвал 5-6 хил маҳсулот билан бозордан жой эгаллади. Истеъмол талаби ва таклифи чуқур ўрганилиши натижасида иш кўлами кенгайтирилди. Бугунги кунда мебелсозлар 80 турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида буюртмачиларга бир миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилган. Корхонани технологик жиҳозлаш мақсадида 82 минг долларлик янги ускуналар ўрнатилди. Ғалдаги вазифа эса янги андозали ихчам, қулай мебеллар ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан иборат.

Вилоятда саноат салоҳиятини ошириш, экспортбоп маҳсулот тайёрлашни кучайтиришнинг барча зарур чора-тадбирлари кўриляпти. Ўтган тўққиз ойлик натижаларга кўра, енгил саноатда 12 та, қурилиш материаллари тармоғида 35 та, озиқ-овқат саноатида 40 та, паррандачиликда 29 та, балиқчиликда 16 та ва бошқа соҳаларда 44 та лойиҳа амалга оширилган. Янги қувватларнинг сафга қўшилиши боис истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,7 фоизга ўсган. 36 та лойиҳа бўйича 192,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бундай маҳсулотларнинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши ўтган йилга солиштирганда 4,2 фоизга ошган. Ҳудудий экспорт ҳажми эса бултургидан 13,5 млн. долларга кўпайди.

Модернизация ва технологик қайта жиҳозланиш нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки иш ўринлари яратилишига, меҳнатга муносиб ҳақ тўлашда ҳам муҳим омил бўлаётир. Ходимларга муносиб меҳнат шароити яратиш иш самарадорлигининг калити бўлмоқда. Жомбой туманидаги «Амин инвест интернейшнл» қўшма корхонаси бунинг яққол далилидир. Йилига 2 минг тонна пахта толаси қайта ишланиб, 100 турдан зиёд трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган тўққиз ойда корхона буюртмачиларга 1 млрд. 884 млн. сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берди. 1 млрд. 368 млн. сўмлик экспорт амалга оширилган. Бир неча маротаба ISO — 9001 халқаро сифат сертификатига сазовор бўлган корхонада тайёрланаётган болалар ва катталар кийимларининг асосий мижози хорижликлар бўлаётгани эътиборга молик.

Айни чоғда вилоятда хориж билан ҳамкорликда ташкил этилган 165 та корхона тўла қувват билан ишлаб турибди. Ўтган давр мобайнида бу борада 20 млн. 987,7 минг доллар миқдоридаги инвестиция ўзлаштирилган. Корхоналарнинг аксарияти фаолиятининг илк давриданоқ хорижга маҳсулот чиқариш пайида бўлмоқда. Тойлоқ туманидаги «Сиёб чашмаси» қўшма корхонаси негизида ташкил этилган текстил галантерия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Тойлоқ бахмали» шўъба корхонаси тезда танилди. Бу ерда айни чоққача 40 млн. сўмлик 7,4 минг погонометр бахмал ишлаб чиқарилди. 64 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди. Шу йилнинг ўзида 64 та иш ўрни яратилди.

Ижтимоий муҳофаза кафолати аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, уларга муносиб меҳнат ўрни яратишдан иборат. Вилоятда Бандлик дастури доирасида 71 минг 960 та иш ўрни ташкил этилди. Таъкидлаш жоиз, бу йўналишдаги катта имтиёзлар қишлоқ аҳлига яратилмоқда. Иш ўринларининг қарийб 90 фоизи фойдали меҳнатга қаттиқ эҳтиёж туғилаётган ҳудудларда барпо этилмоқда. Одамларга қулайлик туғдиришда янгидан ташкил этилган «SAM ROS XOLOD» Ўзбекистон - Россия қўшма корхонаси фаолияти, айниқса, таҳсинга лойиқ. Замонавий қурилиш материаллари ва деворбоп, том ёпиш учун сендвич панеллар ишлаб чиқараётган корхонада ҳамма ишлар жойида. Ўтган 9 ойда 3 млрд. 42 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ўтган йили 100, бу йил 50 та қўшимча иш ўрни яратилди. Ҳар бир ходим ўртача 300-350 минг сўмдан ойлик маош билан таъминланяпти. Тадбиркорлар изланиши боис фаолиятнинг қўшимча тури сифатида 5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга шароит ҳам яратилди. Шунингдек, меваларни қадоқлаш ва сақлаш учун турли сиғимдаги пластмасса идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шубҳасиз, вилоят иқтисодий салоҳиятини оширишда ана шундай корхоналарнинг ҳиссаси беқиёс. Шу йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра аҳоли даромади жон бошига ўртача 385,8 минг сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 57,3 минг сўмга кўп демакдир. Иқтисодиётдаги дадил қадам турмуш фаровонлиги, ҳудуд ободлигига хизмат қилмоқда.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Сўнгги йилларда энергияга бўлган талабнинг ортиши дунё бозорида газ ва нефт маҳсулотларининг қимматлашишига олиб келди. Шундай шароитда номутаносиблик ва муаммоларни бартараф этишнинг биргина йўли бор. Бу мавжуд захираларимизни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик техникаларини аста-секин табиий газ билан ҳаракатланишини таъминлаш масаласидир. «ALJ-SAMARQAND» концерни Самарқанд вилоятидагина эмас, балки мамлакатимизда биринчилардан бўлиб мазкур муаммолар ечими ва ижросини таъминлашга киришган гигант корхоналардан саналади.**

Орамиздаги одамлар

# Давр билан ҳамнафас

Ҳозирги кунда 15 га яқин мамлакатнинг тегишли компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйган концерн илғор технологияларни жорий этишда самарали натижаларни қўлга киритаётир.

— Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, — дейди концерн раиси Жуманиёз Алибеков. — Ўйлайманки, биз чет эл компанияларини қизиқтирган, истагига мос келадиган маҳсулотлар айирбошлашни йўлга қўйяпмиз. Бевосита қишлоқ хўжалиги техникаларининг газ ёнилғиси билан ҳаракатланишини таъминлаш борасида, айниқса, кореялик ҳамкорларнинг ўрни алоҳида. Бир нечта мустақил фирмаларни бирлаштирган ҳолда, тенг ҳуқуқлилик асосида иш юритаётган концернимиз олдида янги технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, биржа савдоларига қатнашиш каби муҳим вазифалар турибди. Айтиш мумкинки, янги қишлоқ хўжалик техникаларини табиий газ билан ишлашга ўтказиш масаласи ҳам изланиш, ҳам амалиёт талаб этади. Бу борада 500 нафарга яқин малакали ишчи-ходим астойдил меҳнат қилмоқда. «Жаҳон-жон» МЧЖ, «Шохруҳбек» хусусий фирмаси, «Автошоҳбекат» ОАЖ сингари корхоналар вазифаларини бекаму кўст адо этишмоқда.

Қаҳрамонимиз Жуманиёз Алибеков ўз соҳасини ипидан игнасигача мукаммал ўзлаштирган инсон. У Самарқанд давлат архитектура институтини тугатгач, қатор йиллари олийгоҳда қолиб ишлади. Кейин Киев автомобил йўллар институтида малакасини оширди. Аспирантлик даврида қардош мамлакатлардан ташриф буюрган тенгдошларидан соҳанинг сир-асрорларини пухта ўрганди.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши эса барча қатори Жуманиёз учун ҳам имкониятлар эшигини оча бошлади. Самарқандга қайтиб, бор билим ва шижоатини соҳа равнақига бағишлади. 40 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар чоп этди. Ж.Алибековнинг ҳамкорлик асосида нашр этилган «Суюлтирилган углеводородли газлардан мотор ёнилғиси сифатида фойдаланиш, техника хавфсизлиги» номли китоби беш йилдирки, техник ходимлар, чилангарлар, газ таъминоти бўйича таълим олаётган талабалар, шунингдек, ёш муҳандислар учун муҳим қўлланма васифасини ўтаб келаётир.

* * *

Суюлтирилган углеводородли газ (СУГ) лардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласида ўзига хос мураккабликлар мавжуд. Суюлтирилган газларнинг физик-кимёвий таркиби ва хоссалари, уларга қўйилган талаблар, истеъмолчиларга етказиб бериш ва сақлаш, сақловчи сиғимли идишлар, резервуарлар, шунингдек, автомобилларга газ тўлдириш шохобчалари ҳақида аниқ ёндашув, билим ва тажриба зарур. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, концерн ишчилари ва мутасадди ходимлар ўртасида турли ўқув машғулотлари олиб бориляпти. Ёшларнинг мукаммал билим олишларида жонбозлик кўрсатаётган тажрибали устозлардан бири Аъзамжон Бозоровдир. У табиий газ билан ишлайдиган станциялардан бирига раҳбарлик қилади.

Жуманиёз Алибеков бир неча маротаба Кореяга бориб, билимларини амалиётда пишитиб келган бўлса, Аъзамжон Бозоров Россия, Туркия давлатларининг кўзга кўринган компаниялари орқали СУГни истеъмолчиларга етказиб бериш ва уларни сақлаш масалаларида изланишларини давом эттираётир. Алоҳида қайд этиш лозимки, СУГга қўйилган талаб йилдан-йилга ортиб, мосламалар мураккаблашгани сайин, соҳавий билим ҳам ғоятда изланувчанликни тақозо этаётир.

Масалан, СУГнинг буғ ҳолатида бўлишини олайлик. Улар буғланиш ҳолатида табиий газ каби атмосферага кўтарилиб тарқалмайди, ернинг устки қисми ёки бинонинг пол қисмига ёйилиб қолади. СУГнинг бундай хусусияти биноларда пол баландлиги даражасида, албатта ҳаво алмашинув (вентиляция) тизимига эҳтиёж уйғотди. Атмосфера босимида ҳаво билан аралашиб, унинг таркибидаги кислородни сиқиб камайтиради. Сирасини айтганда, СУГнинг истеъмолчиларга узлуксиз етказиб берилишида ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Мавжуд муаммоларни бартараф этишга Жуманиёз Алибеков, Аъзамжон Бозоров шогирдлари Ўткир Авазов, Лазиз Нишонов каби изланувчан йигитлар муносиб ҳисса қўшмоқда. Биз «ALJ- SAMARQAND» концернида бўлган чоғимизда бу ерда юз бераётган янгиланишлар жараёнини ҳис қилдик. Ўша куни кореялик ҳамкорлар иштирокидаги анжуманда СУГни кенг кўламда қўллаш, дизел ёнилғиси тақчиллигини бартараф қилиш сингари масалалар атрофлича муҳокама этилгани ҳам бежиз эмас.

Концерн раиси Жуманиёз Алибековнинг очилмаган қирралари бисёр экан. Унинг «Фидойи» (2000) «Саховат» (2001 йил) китоблари билан таниша туриб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Уларда концерннинг фаровонлигимиз йўлидаги эзгу ишлари холисона қаламга олинган.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Огоҳ бўлайлик!



***Таҳлилларга қараганда, жорий йилнинг ўтган даврида болаларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари туфайли 1212 та ёнғин содир бўлиб, ҳалок бўлганларнинг 8 тасидан 5 нафари, турли даражадаги тан жароҳати олганларнинг 25 тасидан 14 нафари мурғаклардир.***

## Пиротехник «ўйинчоқлар»дан сақланинг!

Ачинарлиси, шунга қарамай, лоқайд муносабат ҳамон давом этмоқда. Талабга жавоб бермайдиган, хорижда ишлаб чиқарилган пиротехник «ўйинчоқ»ларни ўйнаш натижасида кўплаб кўнгилсизликлар кузатилмоқда.

Мана бир мисол. Болакайлардан бири пиротехника воситасига олов ёқиб кўчага улоқтиради. Портлайвермагач, олдига боради. Шу пайт восита ҳаракатга келиб, юзи, кўзи ва қўллари жароҳат олади. Пақилдоқларни баъзан болалар бир-бирининг чўнтагига ёқиб солиб қўйиши натижасида ҳам жароҳат олган ҳолатлар учраб туришига қарамай, негадир ота-оналар бунга эътиборсиз қарашмоқда. Бу ҳам етмагандай, фарзандларига шундай «ўйинчоқ»ларни сотиб олиш учун пул беради. Болалар-ку, ҳали ёш. Бироқ катталарнинг масъулиятсизлигини қандай баҳолаш мумкин?

Шу боис ҳам ёнғин назорати ходимлари мактаб, болалар боғчаларида бўлиб, ўқувчилар, тарбияланувчилар билан ёнғин офати тўғрисида мунтазам суҳбатлар ўтказиб туришибди.

Кутилмаганда, юзага келган ёнғин азиз фарзандларимизни бир умрга ногирон қилиб қўйиши, ҳаётдан бевақт олиб кетиши мумкинлигини унутмайлик.

**Ш.ОБИДХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ Ёнғин-техник лабораторияси катта муҳандиси, майор**

## Олдини олган афзал

***Ибтидоий жамоа давридаёқ одамлар оловнинг афзалликларини кашф этишган. Чақмоқ туфайли ўрмонлар ёниб, кўпгина қуш ва ҳайвонлар нобуд бўлишган. Оловда пишиб қолган ҳайвонлар гўштини тановул қилган одамлар эса хомлигига нисбатан мазалироқ эканлигини пайқаб, овқат пишириш, исиниш, турли меҳнат қуроллари ва бошқа буюмлар тайёрлашда оловдан фойдаланишни ўзлаштиришган. Шундан бери олов одамларга ҳамроҳ бўлиб келмоқда.***

Оловдан фойдаланиш усуллари қанчалик илғорлашган бўлмасин, ёнғин хавфи барибир мураккаблигича қолмоқда.

Яқинда Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасида бўлиб ўтган тадбирда ИИВ Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан олиб борилаётган ишлар кенг таҳлил этилди. Жумладан, жорий йил давомида республикамизда 9 мингдан зиёд ёнғин содир бўлиб, 7 мингдан кўпроғи бошланғич жараёнда бартараф этилган. Касални даволашдан унинг олдини олган афзал ақидасига амал қилган ҳолда, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан 186 минг 355 та корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликнинг ушбу масалага оид ҳолати текшириб чиқилган. Натижада, 1 миллиондан зиёд камчилик ва нуқсонлар аниқланиб, унинг 87 фоизи бартараф этилишига эришилган. Ёнғинларнинг олдини олиш борасида фуқаролар билан кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилиб, фуқаролар кўп йиғиладиган жамоат жойлари, мактаб, боғча, халқ хўжалиги масканларида 3640 турдаги 406 000 дан зиёд нусхада кўргазмали эслатма, плакат ва шиорлар бурчаги ташкил этилган. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига беписанд бўлган 61296 нафар раҳбар, масъул шахс ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилган. 19 887 та корхона, бино ва иншоотнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилиб, 153 715 та электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқлаб қўйилган. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 2009 йилга нисбатан жорий йилнинг 10 ойи давомида ёнғин содир бўлиши 4,3 фоизга, куйиш ва тан жароҳати олиш ҳолати 23,7 фоизга камайди.

Шунга қарамай, содир бўлаётган ёнғинларнинг 75 фоизи аҳоли турар жойларига тўғри келаётгани кишини ташвишга солади. Бу ҳол иситиш мосламалари ва бошқа тегишли воситалардан фойдаланишда ниҳоятда ҳушёр бўлиш зарурлигини тақозо этади.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Истиқлол иншоотлари

# Қушларнинг янги қўналғаси

***Мингбулоқ туманидан қайтаётган эдик. Кузнинг дами кесилганига қарамай, кўкда қушлар жануб томон ошиқишда давом этмоқда. Тўрақўрғон туманига етганимизда, уларнинг «арғамчиси» негадир чап томонга бурилди.***

— Жануб қолиб нега ўнг тарафга йўл солишди? — сўрадим шеригимдан.

— Ўша ёқда янги қўналға топишган, — деди шеригим сирли кулиб. — Қушлар ҳам ақлли. Ўша ёқда Резаксой сувга тўлиб қолди. Тунни сув омбори қирғоғида ўтказишади. Сув ўтлари, чавақларни еб қорин тўйғазишади. Тонг саҳар яна сафарни давом эттиришади.

Тушундим. Дарҳақиқат, водийнинг сунъий денгизи деб аталаётган Резаксой сув омбори сувга тўлиб қолди. Қишлаш учун жанубга учаётган қушлар парвоз йўлларидаги янгиликни эътибордан четда қолдиришмади.

Янги сув иншооти атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Олдинлари кўклам охирлаши билан қақроқ даштга айланадиган Резак адирлари куз охирлаган бўлса ҳам гиёҳлардан кийган либосини ечмаган.

Сув омборини бунёд этишдан мақсад Фарғона водийси ва Тошкент вилояти оралиғидаги тоғлардан оқиб ўтаётган Резаксой сувини тўплаб, Тўрақўрғон ва Чуст, шунингдек, Поп тумани ҳудудидаги адирларни ўзлаштиришдан иборат. Шунингдек, обиҳаётни Сирдарёга қуйиб, Наманган ва Тошкент вилоятлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳам назарда тутилган.

— Ўтган даврда улкан ишлар амалга оширилди, — дейди вилоятдаги 9-қурилаётган корхоналар бирлашмаси дирекциясининг бошлиғи Муроджон Қорабоев. — Режага кўра иншоотда 300 млн. кубометр ҳажмда сув тўплаш кўзда тутилган. Шу йилнинг ўзида иншоотга йиғилган 60 млн. кубометр сув Шимолий Фарғона канали орқали экин майдонларига йўналтирилди. Бошқача айтганда, юзлаб гектар экин майдони Резаксой сув омбори шарофати билан обиҳаёт танқислигидан қутқариб қолинди.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, иншоотдан бу йил олинган самара хамир учидан патир холос. Резаксой ҳали мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга, дастурхонимиз тўкинчилигига кўп ҳисса қўшади.

...Осмон узра арғамчи солиб учаётган қушлар ортидан назар ташлайман. Улар ўз чуғурлаши билан иншоот бунёдкорларига миннатдорчилик билдираётгандек туюлади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

## 2010 йил – Баркамол авлод йили





Фарғона шаҳридаги «Юлдузча» болалар боғчаси Баркамол авлод йилида янгича қиёфа касб этди. Бу ерда асосий ва қўшимча биноларни таъмирдан чиқариш ҳамда иситиш тизимини янгилаш, боғча атрофини ободонлаштириш, болалар майдончасини қайта реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Малакали тарбиячи ва мураббийлар жалб этилган ушбу боғчада компютер хонаси ташкил этилган, болажонлар замонавий ахборот технологиялари билан ишлаш борасида дастлабки билим ва кўникмага эга бўлмоқда.

**Суратларда: боғча шифокори Фарида Закаева; боғча тарбияланувчиси Сехриё Муллажонова.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**

## Ўт балоси

***Октябр ойида Андижон тумани Найман кўчасидаги уйларнинг бирида иситиш печи мўрисининг носозлиги оқибатида ёнғин содир бўлди. Натижада уйнинг 40 кв.м. том ва шифт қисми ёниб, ёнғин қўшни хонадонга ҳам ўтган...***

Жорий йилнинг октябр ойида Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Толлисой қишлоғида жойлашган уйлардан бирида электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлди ...

Ушбу мисолларни бежиз келтирмаяпмиз.

Ҳукуматимизнинг фармойишига биноан республикамизнинг барча ҳудудларида шу йилнинг 15 ноябридан 15 декабрига қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» кенг кўламда ўтказилмоқда.

Ушбу тадбир давомида барча жамоаларда, шу жумладан, қишлоқ ва овулларда, фуқаролар йиғинларида учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказилмоқда. Бу борада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, амалдаги қатъий қоидаларнинг мазмун-моҳияти мутахассисларимиз томонидан атрофлича тушунтирилиб, зарур ҳолларда аҳоли ўртасида кўргазмали қуроллар ёрдамида ёнғин хавфсизлигининг олдини олиш билан боғлиқ ўқув машғулотлари ҳам уюштирилмоқда.

Айнан ана шундай хайрли тадбирларнинг мунтазам ўтказилаётганлиги натижасида мамлакатимиз миқёсида ёнғинлар сони ҳамда фуқароларнинг тан жароҳати олиш ҳолатлари камайганлиги кузатилмоқда. Бу эса давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг жойлардаги ходимлари томонидан профилактик ва тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали олиб борилаётганлигини, шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш, газ, электр ва бошқа қатор масъул идоралар билан йўлга қўйилган амалий ҳамкорлик ижобий натижалар бераётганлигини исботлайди.

Ниятимиз — ёнғин хавфсизлиги хизмати телефонлари куну тун сукутда бўлсин. Биргина эътиборсизлик туфайли юқорида қайд этилган нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкинлигини унутмайлик.

**Равшан АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ катта инспектори, майор**

## «POYTAXT AUKSION» ДУК 2011 йил 6 январ куни аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, К.Зарипов кўчаси, 7-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Республика болалар бадиий ижодиёти Маркази» тасарруфидаги 1999й.и\ч, д\р 10AF506, бошланғич нархи 4 150 000 сўм бўлган «Дамас»; Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, Савдо расталари, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси тасарруфидаги 2004й.и\ч, д\р 10AX810, бошланғич нархи 8 180 600 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «POYTAXT AUKSION»ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй. Алоқа телефони 233-23-49, телефакс 233-23-40, электрон почта P-A_DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Республика махсус алоқа боғламаси давлат унитар корхонасининг д/р 10AQ333 бўлган «ИЖ-2715» — 1 150 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси «Спорт — соғломлаштириш мажмуасининг д/р 10AO045 бўлган «Ford Transit» — 4 450 000 сўмга; «Тошкент вилояти бошбекатлари ва йўловчи шоҳбекатлари ишлаб чиқариш бош корхонаси» ДУК тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 31-уй манзилида жойлашган 1 қаватли бинонинг умумий майдони 63 кв.метрга тенг бўлган бир қисми 43 300 000 сўм. сотилганлигини маълум қилади.

Омон бўлинг,
# МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2010-yil 4-dekabr № 143 (2868)

Ўқув марказида



# Эътироф янги зафарларга илҳомлантиради

***Гуанчжоуда якунига етган XVI Осиё ўйинларида Ўзбекистон 45 та давлат ўртасида умумжамоа ҳисобида 8-ўринни банд этди. Бунинг учун спортчиларимиз 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медалини қўлга киритишга тўғри келди. Албатта, бунга осонликча эришилмагани ўз-ўзидан тушунарли. Тинимсиз машғулотлар, изланишлар ва таъбир жоиз бўлса, ҳар бир инсонга хос ўз менлигини-да ошиб ўтишга бетизгин интилиш туфайли шундай натижаларни қайд этиш мумкин бўлди.***

Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ўқув марказида Осиё ўйинларида муносиб иштироки билан мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат қўшган касаба уюшма спортчиларини шарафлашга бағишланган йиғин бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси Баҳодир Тожиев Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларини қутлар экан, жумладан, шундай деди:

— Бутун дунёда спорт мислсиз суръатларда ривожланаётган бир шароитда совринли ўринларни эгаллаш тобора қийинлашиб бориши яна бир карра исботини топган мазкур мусобақа биз учун ҳақиқий синов-имтиҳон вазифасини ўтади. Не бахтки, биз ўта машаққатли, нафақат жисмоний, балки руҳий довондан муносиб ошиб ўта олдик. Касаба уюшма спорти вакилларининг улуши ҳар қачонгидан юқори бўлганлиги эса, кўнглимизни фахр-ифтихор туйғулари билан лиммо-лим тўлдиради.

Биз бу ҳақда ҳисоботларимизда гапириб ўтганмиз. 4 та олтин, 6 та кумуш, 10 та бронза, жами 20 та медал. Бу — касаба уюшма спортчилари улуши. Сув спорти вакилларимизнинг Осиё ўйинлари мезбонлари — хитойлик эшкак эшувчилардан кейин иккинчи ўринда тилга олиниши эса, ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ муваффақиятдир.

Учрашувда бундай улкан зафарларга нималар эвазига эришилиши тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилди. Ва эътироф этилдики, бунинг учун машғулотларга масъулият билан ёндашувгина кифоя эмас. Ватанга муҳаббат, унинг обрў-эътибори учун бор вужуди билан курашиш ва эл-юрт қадр-қимматини ҳар нарсадан юқори қўйиш — айнан шулар ғалабага элтувчи омиллардир.

Яна бир ярим йилдан сўнг Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиададан умид катта эканлиги қайд этилиб, у Ўзбекистон спорти янги, янада юқорироқ ўринлардан муносиб жой олиши учун яхши бир имконият эканлиги таъкидланди. Ишонч билдирилдики, касаба уюшма спортчилари мазкур нуфузли мусобақаларда ҳам ўзларини ҳар жиҳатдан юксак даражада намоён этадилар.

Учрашувда ЎзКУФК аппарати масъул ходимлари ва барча тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши вакиллари иштирок этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган сурат**

Истиқлол иншоотлари

# Жамолингга кўз тегмасин!

***Жорий йилда юртимизга келган FIFA (Халқаро футбол федерациялари Ассоциацияси)нинг аёллар футболи бўйича масъул ходими Моника Штааб хоним Қарши шаҳрида ҳам бўлди. Мартабали меҳмон Қаршидаги бунёдкорлик ишларига, хусусан, шаҳардаги Маданият ва спорт-соғломлаштириш марказига (собиқ «Геолог» стадиони) юқори баҳо бериб, бу ерда аёллар футболи бўйича жаҳон чемпионати ўтказиш мумкинлигини таъкидлаган эди.***




Дарҳақиқат, воҳа маркази кун сайин чирой очмоқда. Масалан, «Шўртангазкимё» мажмуаси ҳомийлигида Маданият ва спорт-соғломлаштириш маркази ҳудудида қуриб фойдаланишга топширилган сузиш ҳавзаси, боулинг клуби ҳамда гўзаллик салони аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш билан бирга, шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди.

«Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақалари муносабати билан қурилган Марказий ўйингоҳ бу йил ўзгача чирой очмоқда. «Насаф» стадионида қурилиш ишлари қизғин. Яъни, 2011 йилнинг июл ойида режалаштирилган бунёдкорлик якунланса, Марказий стадионни Европа ареналаридан ажратолмай қолишингиз тайин.

Шунингдек, Қарши шаҳрида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1- болалар мусиқа ва санъат маркази қад кўтармоқда. Бундан ташқари, шаҳардаги касб-ҳунар коллежлари учун ўқувчилар турар-жойлари барпо этилди. Қурилаётган аҳоли турар-жойлари, савдо мажмуаларида ҳам иш қизғин.

Асосийси, Қарши кўчаларини айланар экансиз, бу ердаги ободлик ва гўзалликдан қувонасиз. Замонавий таълим масканлари, банк, соғлиқни сақлаш муассасалари, истироҳат боғлари, спорт иншоотлари ҳайратингизни оширади. Шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган «Эл-юрт таянчи» монументи шарафли тарих, шукуҳли кунимиз, иқбол ва саодатга йўғрилган келажакдан сўзлайди, гўё.

Қаршидаги каби бунёдкорлик манзараларини воҳанинг барча шаҳар ва қишлоқларида кўрасиз. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ўзгаришлар тилдан-тилга кўчади. Қуриб фойдаланишга топширилган, мукаммал таъмирланган иншоотлар ҳақидаги хушхабарлар яшин тезлигида тарқайди. Илоё, юртимизнинг кўркам жамолига кўз тегмасин!

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Яхшилардан бири

***Самарқанднинг машҳур нонларидек Қўқон патири таърифини эшитмаганлар кам. Катталиги патнисдек, қуёшдек ялтираб турадиган патирларни ёпиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Қаҳрамонимиз Пўлатой опа Ҳожиматова эса бу ишга жуда уста. Кеча қўшниси Тўхта хола эртага совчиликка бораман, шундай патир ёпиб бергинки, қизларини беришдан бошқа иложлари қолмасин, деб тайинлаган...***

# Мураббийлик – улуғ касб

Саҳарлаб Пўлатой опанинг қўлидаги бир сават қуёшдай ловиллаган патирларни кўриб, Тўхта хола қувониб кетди.

— Илоҳим, нондай азиз бўлгин! — дея дуо қилди.

Йўқ, Пўлатой опа сиз ўйлагандай «патирчи хола» эмас. Ўттиз бир йилдан бери бошланғич синф ўқитувчиси, қарийб йигирма йилдирки, Олтиариқ туманидаги 1-иқтидорли болалар мактабида касаба уюшмаси раиси.

— Бошланғич синфларга дарс бериш — дарё ўзанини очиш билан баробар, — дейди у. — Бошида уни қай томонга бурсанг, охиригача шу тарафга оқади.

Касаба уюшма раиси сифатида Пўлатой опа ҳар йили ходимларнинг таътилда сиҳатгоҳларга боришини, тарихий шаҳарларимизга саёҳат қилишини уюштириб, турли байрам тадбирларини ташкиллаштиради. Ҳар бир ҳамкасбининг яхши-ёмон кунида қурби етганича ёрдам беришга ҳаракат қилади.

Пўлатой опа мактабдан келибоқ, патир ёпишга тутинди. Эртага қўшниси Назирахон қизини узатаётганди. Куёв патирларни ёпиш, албатта, унинг зиммасида. Шу пайт мактабдан кутубхоначи қиз келиб, директор чақираётганини айтди. Опа мактаб ҳовлисига кириб борар экан, ўқувчи-ю ўқитувчиларнинг йиғилиб турганини кўриб, ҳайрон қолди.

— Табриклаймиз, опа! «Шуҳрат» медали билан тақдирланибсиз, — деди мактаб директори.

Ҳамма бирин-кетин табриклади. Опанинг кўзларидан қувонч ёшлари думалай бошлади.

— «Шуҳрат» медалига сазовор бўлишим, ўғлим Нозимжонга янги қурилган тайёр уй-жойлардан олишимиз — буларнинг бари аждодларимиз асрлар давомида орзу қилиб етишолмаган азиз неъмат — мустақиллик туфайлидир. Ана шундай мустақил юрт фарзандларининг камолотига оз бўлса-да, ҳиссам қўшилаётганидан бахтиёрман, — дейди Пўлатой Ҳожиматова.

**Лолахон АҲМЕДОВА,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раисининг ўринбосари**

# Дунёнинг жамоли

Ҳикоя

Ногаҳон ётиб қолганида ўйлади: «Ётсанг-у, қайтиб турмасанг, кўзларингни юмсанг-у, қайта очмасанг».

Қанчалар ҳузур. Шунчалар чарчоқ ботган экан жонига. Аслида ҳам бош кўтаргудай ҳоли йўқ, кўзларини очай деса, киприклари тошдай босиб туради. Битмай қолган иш юрагини кемирарди. Энди зўрға-зўрға ураётган юракни дард кемирмоқда. Оёққа оғриқлар зулукдай ёпишди, лекин уларни юлиб отди, битмаётган ташвишларини тугатиш учун. Энди бу оёқлар ҳам ўзини тамомила оғриқ зулукларининг ихтиёрига топширган. Ҳар томир, ҳар бўғин, ҳар қарич суяк орасида жойлашган улар. Оёқ худди жонсиздек, чунки жон азобга айланган.

Уч ойдан ошди ётганига. Тушида ўт орасида кўради ўзини. Ҳушида қараса, аъзои бадани ўт бўлиб ёнади. Тўшаги қозиққа айланган гўё, қовурғасига қадалгани қадалган. Пар ёстиқлар тошдек ботиб кетди бошига, бўйнига. Тургиси, дунёнинг тўрт бурчидан нажот излаб югургиси келади.

«Оҳ, жоним, — дея фиғон чекади кечалари бўғзидан ўт сачраб, — ким бор, сув беринглар?!»

Болалари бошида, мўлтирашиб ўтиради. Кечанинг қай вақти бўлмасин, у бедор, болалари бедор. Уч ўғил, икки қиз навбат билан қараяпти, қайси куни уларнинг қўшни хонада қилаётган гурунги қулоғига чалинди:

— Энам, «бошимда ўтиринглар, овозларингни эшитиб, дийдорларингни кўриб ётайин» дейди, — сўз бошлади зорланиб тўнғич қизи. — Худди дунёнинг ташвишларини билмайдигандай гапиради. Ётиб қолмагунича ўтиролადими одам? Ҳали уй нима бўлди? Болалар нима бўлди?

— «Ўлдим, ўлдим, оёғимни уқаланглар», деб йиғлайди энам баъзи кечалар, — опасининг гапларини давом эттирди синглиси. — Қўлларим оғриб кетди уқалай-уқалай. Энамнинг бошида бир кеча ўтириб чиқсам, эртасига бошим айланиб юради. Бунинг устига белим ҳам оғрийдиган бўлди энамга қараб ётганимдан бери, менинг ҳам ёшим кетяпти энди...

— Энам ҳеч касал бўлмаган, — гапга қўшилди катта ўғил, — шунинг учун юраги соғ. Оғриқлар эса қариликдан...

Сўнг демоқчи бўлган гапини эсдан чиқаргандек жим бўлиб қолди. Эрининг унутган гапи хотинининг ёдига келди шекилли, шартта жимликка нуқта қўйди:

— Шуйтиб, «ўладиган касал ўлгани яхши, уйдагиларнинг тингани яхши» деб айтганда. Бошидан ўтказиб, неча синаб, билиб айтишганда бурунгилар бу гапни. Касал — касал эмас-да. Касалга қараган — касал. Ётган ётаверади, унга қараб турганларга қийин. Ҳам ишдан қолади. Мана, ҳаммаларингизда уй бор, рўзғор бор. Барини ташлаб неча ойдирки, шу ерга ўрмак қургансизлар.

Гапга чечан келиннинг айтганларини ака-сингиллар бош ирғаб тасдиқлашди.

Бу сўзларни эшитиб, у оғринмади. Бир синиқ кулги келди юзига. Унинг онаси ҳам кетадиганда узоқ ётган эди. Улар ҳам уч нафар опа-ука эди. Уч фарзанд онасининг бошида ўтириб, бир-бири билан, «онамга мен қарадим, сен қарамадинг», дея қилган жанжалларини эслади. «Дунё шу экан-да, — чуқур хўрсиниб ўйлади, — мана энди ўзига ҳам навбат келибди. Ҳалиям шукрки, болаларим уришаётгани йўқ...»

Бундан ўн йил бурун кетган чоличи? Уйни уй, хотинни хотин қилган эркак эди. Даромади ҳам, сиёсати ҳам зўр эди. У кўз тикканида оёқларга қалтироқ тушарди. Бир дард ёпишди-ю, тўшакка михланди-қолди. Ҳали бақувват эди бўлмаса. Қимир этолмай кеча-кундуз ётар, бошқа жойи касал, фақат томоқ соғ эди, катта еб келган эмасми, гоҳ у нарса, гоҳ бу нарса егиси келар, қанча бўлса иштаҳаси тортаверарди...

Ночор аҳволда ётган чолини овқатдан қисишга қарор қилди. «Иштон, кўрпа ювишдан қизлари ҳам безор бўлди. Қолаверса, овқат ўтиб турган томоқдан жон кетармиди? Охир кетадиган бўлса, қийнаб нима қилдик шўрликни?» ўйлади у. Шундан сўнг чоли узоққа бормади. Кўнгли кетган таомларнинг номини айта-айта бир неча кун ичида жон берди.

Ҳа, кимнинг бўлмасин, оёқдан осилиб турганда, қадри бўлади... Бу унинг онасидан ҳам, чолидан ҳам қолган гап эмас, азалдан келаётган ҳақиқат...

Дард тобора исканжага олаётган бўлса ҳам, тузаляпман деган умид қоронғу дунёсида юлдуздай порлаб турарди. Бир куни эрталаб бошида ўтирган кичкина неварасига илтижоли назар ташлади:

— Болам, юзимга бир ойна тут...

Невара токчадаги ойнага узалди. У кўзгуда ўзини кўрмади. Бу акс юздаги қон билан бирга ғойиб бўлган эди. У чўккан кўзларида, бўртиб чиққан суякларида кетаётган жонини кўрди. Бир хўрсиниб ўйлади:

«Сендан ширинлар, сендан азизлар турганида сен ҳеч қанча азиз ҳам, ширин ҳам бўлмагансан. Томоққа тиқилганингда, яна сендан гина ҳам қиламиз. Эҳ, жон, азиз жон, беқадр жон».

У кейинги кунларда тонгни интиқ кутадиган бўлган. Кечаси уйқу йўқ. Хонага тонг шабадаси югурганида жони бир яйрагандек бўлади. Очиқ деразадан кўз узмай ётади. Қурғур дераза ҳам кичкина, жуда баланд қурилган. Ташқари кўринмайди ётган одамга.

У шу кеча жуда безовталанди. Назарида тонг отиши чўзилаётгандек, тонгни кўролмай қоладигандек туюлди. Жуда толиқиб кетди. Тонг энди ғира-шира ёришаётган пайтда ёнида ухлаётган кенжасини уйғотди. Кенжа онасига безовталик билан боқди:

— Эна, ҳозиргина кўзим илинган экан, яна нима бўлди?

У боласининг уйқусини бузганидан хижолат бўлди. Лекин бошқа иложи йўқ эди.

— Мени ташқарига олиб чиқ, болам, опа-акаларингни ҳам уйғот...

— Ташқари совуқ, эна...

— Энди совуқнинг менга таъсири йўқ. Олиб чиқ, болам...

— Ундай деманг, эна, — тўлқинланиб кетди кенжа ўғил сўнг бир зум ўйланди-ю, давом этди:

— Майли, фақат айвонга олиб чиқаман...

Уни айвонга олиб чиқишганларида кун аллақачон ёришиб кетган, кўм-кўк осмон бағрида оппоқ булутлар сузиб юрарди. У худди биринчи бор кўраётгандек осмонга тикилди. Кўзлари катта очилди. Дили ҳайратга тўлди. Тонг еллари ҳовлидаги ўрик гулларининг исини димоғига олиб келди. Шу ўрикни бундан кўп йиллар олдин ўзи эккан эди. «Бунча чиройли, боққан кўзни яшнатади, — ўйлади нигоҳларини унга қадаб, — ажаб, шунча йилдан бери ҳеч эътибор қилмаган эканман».

У ўзини енгил ҳис қилди, ҳовлига чиқиб тўйиб-тўйиб нафас олгиси келди. Кўзлари атрофга боқиб, тўймай бораётган эди...

— Дунёнинг жамоли чиндан чиройли, — деди сўнг уни ўраб турган болаларига жилмайиб боқар экан. — Яшаш эса унга бир муддат ошиқлик экан холос. Шу беғубор осмонга умримда бир тўйиб қарамабман. Шу оппоқ гулларни лабларимга бир босмабман. Дунё аслида шугина ҳузур-ҳаловатдан иборат экан-у, шуни ҳам билмай, шунга ҳам улгурмай дунёнинг ҳузурини аллақаерлардан излаб ўтибман... Йўлим поёнига етгандай, рози бўлинглар, болаларим...

У шундай деб жим бўлиб қолди. Кексайган танани тарк этмоқ учун ўртанаётган жон ниҳоят чиқиш йўлини топган эди. Фақат бир муддат аввал атрофга боққанида юзларига ёйилган табассум ҳали балқиб турарди...

Ҳовли фарзандларининг фарёдига тўлди...

**Нортўра ЭРГАШЕВ**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси кенгаш мутахассиси Ражаб Кенжаевга акаси

**Чўли КЕНЖАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon – + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Toshev
Navbatchi:
A. Abdullaev
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) – Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти – 21.30
Топширилди -23.00

Буюртма Г — 1151

11200 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4